

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИХАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ  
РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06. 2017.GM/T.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ ИН-  
СТИТУТИ**

**ШАРАФУТДИНОВА ЛЕЙЛА ПОЛАТОВНА**

**ШИМОЛИЙ УСТЮРТ ЮРА ЁТҚИЗИҚЛАРИНИНГ ЛИТОЛОГИК-  
ФАЦИАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА НЕФТГАЗЛИК ИСТИҚБОЛ-  
ЛАРИ**

**04.00.07 - Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract doctor of philosophy (PhD)**

**Шарафутдинова Лейла Полатовна**

Шимолий Устюрт юра ётқизикларининг литологик-фациал хусусиятлари  
хамда нефтгазлилик истиқболлари.....3

**Шарафутдинова Лейла Полатовна**

Литолого-фациальные особенности и перспективы нефтегазоносности  
юрских отложений Северного Устюрта.....21

**Sharafutdinova Leyla Polatovna**

Lithological-and-facial features and oil and gas perspectives of Jurassic  
deposits of NorthernUstyurt.....39

**Нашр қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....43

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИХАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ  
РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06. 2017.GM/T.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ**

**ШАРАФУТДИНОВА ЛЕЙЛА ПОЛАТОВНА**

**ШИМОЛИЙ УСТЮРТ ЮРА ЁТҚИЗИҚЛАРИНИНГ ЛИТОЛОГИК-  
ФАЦИАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА НЕФТГАЗЛИЛИК  
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**04.00.07 - Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш  
ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/GM50 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.ing.uz](http://www.ing.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) тармоғида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Абдуллаев Ғайбулла Сайфуллаевич**  
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Хусанов Султанбой Тўхтаевич**  
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

**Зорина Ольга Алексеевна**  
геология-минералогия фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Миллий Университети**

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институти, Ўзбекистон нефть-газ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти, Тошкент давлат техника университети ва И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали ҳузуридаги DSc 27.06.2017.GM/T.41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «11» июнь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114-уй. Тел.: (+99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-92-15; e-mail: [igirnigm@ing.uz](mailto:igirnigm@ing.uz)).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3959 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114-уй. Тел.: (+99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-92-15; e-mail: [igirnigm@ing.uz](mailto:igirnigm@ing.uz)

Диссертация автореферати 2019 йил «21» май куни тарқатилди.  
(2019 йил «30» апрелдаги 1 рақамли реестр баённомаси).

**Ю.И. Иргашев**

Илмий даражалар бериш бўйича Илмий кенгаш раиси,  
г-м.ф.д., профессор

**М.Г. Юлдашева**

Илмий даражалар бериш бўйича Илмий кенгаш  
илмий котиби, г.м.ф.н.

**Ф.Г. Долгополов**

Илмий даражалар бериш бўйича  
Илмий кенгаш ҳузуридаги  
Илмий семинар раиси, г-м.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда нефтгаз саноатининг ривожланиши литологик қийикланиш ҳамда стратиграфик номутаносиблик зоналарида ноантиклинал турдаги нефтгаз уюмларини янги методик усулларни фаол жорий этиш ҳисобига излов-қидирув ишлари ҳажмини ошириш орқали олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, нефт ва газ соҳаси устувор вазифаларидан бири, углеводород хомашёсининг кўп қатламли, линзасимон-қийикланувчи уюмлари жойлашган терриген ётқизикларнинг литологик-стратиграфик, фашиал-палеогеографик хусусиятларини аниқлаш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёда терриген маҳсулдор ётқизикларнинг фашиал хусусиятларини аниқлашга, ноантиклинал турдаги тутқичларни излаш мезонларини асослашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу вазифаларни ҳал этиш учун турли тадқиқотлар, жумладан: чўкинди комплексларини ҳосил бўлиш шароитларини ҳамда тарқалиш қонуниятларини аниқлаш бўйича, кумтошли ва бошқа танали ҳосилаларнинг келиб чиқиши ва тузилишини белгиловчи литологик-палеогеографик усулларни мукамаллаштириш, литологик тутқичларни башоратлаш ва излаш мақсадида палеофашиал реконструкцияларни ишлаб чиқиш ҳамда қидирув ишларини жойлаштириш учун истиқболли ҳудудларни танлаш мақсадларига қаратилган, нефт ва газ конларини топиш учун олиб бориладиган излов-қидирув ишларининг иқтисодий самарадорлигини оширишга имкон туғдирувчи, нефт ва газ табиий резервуарларини муваффақиятли башоратлаш мақсадида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда ёқилғи-энергетика мажмуасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда, бу углеводород хомашёси захираларини ошириш ҳамда унинг қазиб чиқариш ҳажмини кўпайтириш билан тўғридан тўғри боғлиқдир. Бу эса геологик-қидирув ишлари ҳажмини, шу жумладан излов-қидирув ишларига ноанъанавий, антиклинал бўлмаган тутқичларни ҳам камраб олиш ҳисобига оширишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожланиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «ҳар бир ҳудуднинг табиий ва минерал-хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш...» бўйича вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Устюрт минтақасининг асосий углеводород уюмлари жамланган юра даври ётқизикларининг литологик-фашиал хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларда жойлашган ноанъанавий турдаги нефтгаз тутқичларини аниқлаш катта илмий ва амалий аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Президентининг 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2822-сон «2017-2021 йилларда углеводород хом ашё заҳираларини қазиб олишни кўпайтириш Дастури», 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3372-сон «2017-2021 йилларда «Ўзбекнефтегаз» АЖ бўйича минерал ресурслар базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Устюрт минтақасини, шу жумладан, изланиш ҳудудининг юра даври чўкинди қатламини литологик хусусиятларини, шунингдек унинг стратификациясини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтган асрнинг 60-йилларидан О.С. Вялов, А.И. Смолко, А.Л. Яншин, Л.П. Полканова, А.М. Акрамходжаев, Г.Х. Дикенштейн, Т.Л. Бабаджанов, Х.Х. Авазходжаев, Л.И. Лабутина, А.Г. Бабаев, А.В. Киршин, Ж.Ю. Юлдашев, З.С. Ибрагимов, А.Е. Абетов, А.А. Валиев, А.А. Каипов, Г.С. Абдуллаев, Н.А. Крылов, А.А. Абидов, К.А. Алимов, Ш.Д. Давлатов, С.Р. Рамазанов, В.И. Троицкий, В.П. Алексеев, Р.Г. Гарецкий, Я.Х. Иминов, Л.М. Акименко, Д.Р. Хегай, М.Э. Эгамбердиев, А.К. Мальцева, Н.Е. Минакова, Г.Ф. Пантелеев, Л.С. Хачиева, М.Г. Юлдашева ва бошқа жуда кўплаб тадқиқотчилар томонидан олиб борилган, уларнинг изланишлари натижалари диссертация устида ишлаш жараёнида эътиборга олинди.

Тадқиқотлар бошлангандан буён ҳозирги кунгача Устюрт минтақасининг геологик тузилишини, геологик ривожланиш тарихини ва нефтгазлилик салоҳиятини аниқлаш бўйича катта кўламда ишлар бажарилди. 120 та майдонда бурғулаш ишлари олиб борилиб, 20 дан ортиғида газ ҳамда газоконденсат конлари очилди. Шу билан бирга, ҳудуднинг турли қисмларини геологик ўрганилиш даражаси ҳамда излов-қидирув ишларининг тақсимланиши жуда нотекислик эканлигини қайд этиш лозим. 2006 йилдан бошлаб, минтақанинг чуқур геологик тузилишини аниқлаш ва углеводород хом ашёсини излашга хорижий компаниялар геофизик тадқиқотларни ҳамда чуқур бурғулаш ишлари каби геологик қидирув ишларини олиб бориш билан ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Ушбу ишларини олиб боришда МОГТ-2D сейсмоқидирув ишларида замонавий технологик усуллардан фойдаланилди, излов бурғулаш ишларида катта миқдорда керн намуналари олиб чиқилди. Геологик қидирув ишларининг асосий йўналиши сифатида юра даври ётқизиклари танланди. Ўтказилган ишлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Устюрт минтақасида юра ётқизикларининг нефтгазлилик салоҳиятини аниқлаштириш ҳамда геологик тузилишини аниқлашга катта ҳисса қўшди.

Устюрт минтақасининг геологик тузилиши бўйича, сейсмоқидирув

материалларига асосланган қудуқлар кесмаларини корреляция қилиш бўйича кўплаб илмий ишлар нашр этилган, аммо юра ётқизикларининг литологик-фациал хусусиятлари масалалари муаммолигича қолмоқда ҳамда алоҳида эътибор талаб этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти «Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти» акциядорлик жамияти илмий-тадқиқот ҳамда илмий-тадқиқот ишлари режасининг: 9-05 “Устюрт минтақасининг юра ётқизиклари стратиграфик схемасини аниқлаштириш учун лито-фациал ҳамда палеонтологик тадқиқотлар”, 13-07 “Судочий букилмаси ҳамда ёндош ҳудудлар юра даври терриген қатламида излов-қидирув ишларининг келгусидаги йўналишларини белгилаш мақсадида литологик-фациал ҳамда стратиграфик тузилишини аниқлаштириш”, ПД 102-07Т “Бурғуланаётган Тлеуқудук-№1-П, Картпай-№1-П, Шарқий Айтуз-№1-П қудуқларининг керн, шлам материаллари ҳамда флюид (нефт, конденсат, қатлам сувлари)ларини тезкор комплекс лаборатория таҳлиллари”, ПД 307-09Т Сам-Қосбулак инвестицион блогиди юра ва бўр даври ётқизикларини литологик-фациал хусусиятларини аниқлаш (Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақаси)”, ПД 452-11Т “Шеге №3 қидирув қудуғи кернини петрофизик аниқлаш”, 4-15 “Умид-1 ва Ғарбий Орол-2 қудуқларининг керн, шлам ҳамда қатлам флюидларини комплекс аниқлаш”, “Шимолий Устюрт юра ҳосилаларини нефтьгазлик истиқболларини башоратлаш мақсадида уларнинг ҳосил бўлишини фациал-палео-географик шароитлари ҳамда литологик-стратиграфик хусусиятлари таҳлили “мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Шимолий Устюрт юра ётқизиклари чўкиндиларининг тўпланиш фациал-палеогеографик шароитларини тиклаш, уларнинг моддий комплекс таркибини ҳамда литологик тутқичларнинг тарқалиш қонуниятларини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Шимолий Устюрт юра даври ётқизикларининг литологик-стратиграфик хоссаларини аниқлаш;

ётқизикларнинг асосий литотиплари моддий таркиби, структуравий-текстуравий, минералогик ва петрографик хусусиятларини керн ҳамда шаффоф шлифларда, таҳлилий лаборатория (гранулометрик, спектрал ва бошқа таҳлиллар) маълумотларини ҳисобга олган ҳолда, жинсларнинг генетик турларини ва уларнинг қайси фацияга тегишлилигини аниқлаш;

юра даври чўкинди ҳавзаси асосий ривожланиш босқичлари бўйича фациал-палеогеографик таҳлил ўтказиш, коллекторлар ҳамда антиклинал бўлмаган излов объектлари тарқалиш хусусиятларни белгилаш;

ноантиклинал турдан истиқболли объектларини топиш учун геология-қидирув ишларини оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** терриген формациядан ташкил топган Шимолий Устюрт юра ётқизиклари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предметини** Шимолий Устюрт худудидаги антиклинал бўлмаган нефт ва газ тутқичларининг фациал-палеогеографик тегишлилигини аниқлаш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида В.И. Попов (1954; 1956; 1963; 1988; 1989) томонидан ишлаб чиқилган, турли хил геологик ҳодисалар орасидаги сабаб-таъсир муносабатларини аниқлаш, объектларни комплекс аниқлашга асосланган тизимли таҳлил, чўкинди формация фациал таҳлилининг босқичли динамик тамойилларини ҳамда кесмаларни биостратиграфик табақалаш ва таққослашни қамраб олувчи усуллар мажмуаси қўлланилди. Ётқизиклар моддий таркиби ҳамда уларнинг ҳосил бўлиш фациал шароитларининг турли жиҳатларини асослаш учун ВСЕГЕИ томонидан (1957) ишлаб чиқилган услублар ва илмий ишланмалардан фойдаланилди. Шунингдек, Н.М. Страхов (1963), Л.Б. Рухин (1969), Г.С. Рейнек, И.Б. Сингх (1981), Б. Муромцев (1984), М. Эгамбердиев (2000), В.П. Алексеев (2003) ва бошқалар услублари ҳам жалб этилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Шимолий Устюртдаги юра ётқизикларининг литологик-стратиграфик ва минералогик-петрографик модели геофизик материалларни ишончли талқин қилишда фойдаланиш учун аниқланган;

худудда юра терриген жинсларини ажратиш, ўзаро таққослаш ҳамда фациал тегишлилигини аниқлаш учун уларнинг генетик типизацияси ва минерал ассоциациялари ишлаб чиқилган;

илк бор Шимолий Устюрт юра терриген жинсларини Рухин ва Пассеги генетик диаграммалари усули бўйича, минералогик таркибини, структура-текстура белгиларини ҳамда Муромцев усули бўйича каротаж эгри чизикларининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда комплекс аниқлаш асосида фациал келиб чиқиши тикланган;

Шимолий Устюрт юра ётқизикларининг чўкинди тўпланиш шароитларини, нефть ва газ конларини регионал башоратлаш учун фациал-палеогеографик бирликларни ажратиш билан биргаликда, босқичма-босқич алмашилиш қонуниятлари аниқланган;

Шимолий Устюрт юра ётқизикларида тарқалган тутқичлар тарқалиш зоналарининг чегаралари фациал-палеогеографик реконструкциялар асосида литологик тутқичларнинг шаклланиш шароитларини юзага келтирувчи омиллар ёрдамида исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Шимолий Устюрт юра даври ҳосилаларининг литологик-стратиграфик тузилиш модели муфассаллаштирилди, бу геофизик материалларни талқин қилиш ишончилигини оширган ҳамда уни нафақат ўрганилаётган худудда, балки бутун Устюрт минтақасида ҳам ишлатиш имкони асосланган;

Шимолий Устюртдаги юра ётқизиклари чўкинди тўпланиш шарт-шароитларининг босқичма-босқич алмашилиш қонуниятлари аниқланди ҳамда нефт ва газ конларини регионал башоратлаш учун назарий асос ҳисобланувчи фациал-палеогеографик бирликлар ажратилган;

Ноантиклинал турдаги УВ тутқичлари мавжуд бўлиши мумкин бўлган

истикболли ҳудудлар белгиланди ҳамда уларни аниқлашга йўналтирилган геологик қидирув ишларини ўтказиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** 138та бурғ кудуқларини қазиш маълумотлари ҳамда 3900 м узунликдаги керн материалларининг комплекс: макротавсиф, шлифларнинг петрографик тавсифи, структура ва текстура фотосуъратлари, олтингугурт ва темир шакллари, карбонат минаралларини ва коллекторлик хусусиятларини аниқлаш, гранулометрик, минералогик, рентген-дифрактометрик, геохимик ва спектрал тадқиқотлари билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Шимолий Устюрт юра ётқизиклари литологик-стратиграфик моделини батафсил аниқлаш ҳамда уларнинг шаклланиш шарт-шароитларини босқичма-босқич алмашилиш қонуниятларини ҳамда УВ конларини регионал башоратлашда назарий асос ҳисобла-нувчи фациал-палеогеографик бирликларни аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нафақат ўрганилаётган ҳудудда, балким бутун Устюрт минтақасида геологик-геофизик материалларни интерпретация қилиш ишончилигини ошириш, Шунингдек нефт ва газ конларини регионал башорат қилишининг регионал назарий асоси ҳисобланган фациал-палеогеографик хариталар билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси углеводород хом-ашёси базасини кўпайтиришга хизмат қиладиган ноантиклинал турдаги УВ тутқичларини топишга истиқболли участкалар ажратишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.**

Шимолий Устюрт юра ётқизиклари литологик-фациал хусусиятларни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Косбулоқ букилмаси, Оқтумшук бурмалар тизими ва Жанубий Орол бўйи ҳудудида литологик турдаги тутқичларни топиш учун истиқболли майдонларни аниқлаш бўйича тавсиянома «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2019 йил 7 январдаги 02-14/1-сон маълумотномаси). Натижада литологик турдаги тутқичларни аниқлашда геологик-қидирув ишларининг самарали йўналишларини асослаб бериш имконини берган;

Аторбой мўльдаси ҳудудида «эрозия палеоводийлари»ни трассалаш мақсадида геофизик маълумотларни қайта талқин этиш бўйича тавсиянома «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2019 йил 7 январдаги 02-14/1-сон маълумотномаси). Натижада «эрозия палеоводийлари» билан боғлиқ литологик тутқичлар контурларини аниқлаш имконини берган;

«Нефть ва газ коллектор жинсларини физик ва петрографик усуллар билан аниқлаш бўйича услубий қўлланма» бошқарув ҳужжати (РН 39.0-148:2015) «Ўзбекнефтегаз» АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2019 йил 7 январдаги 02-14/1-сон маълумотномаси). Натижада коллектор жинсларини физик ва петрографик усуллар билан тадқиқ қилиш

сифатини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг алоҳида қисмлари ва натижалари 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иши чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 162 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шимолий Устюрт юра нефтгазли ётқизикларининг ўрганилиш тарихи**» деб номланган биринчи бобида бутун Устюрт минтақасининг, шу жумладан, Шимолий Устюрт худудининг геологик ва геофизик аниқлаш бўйича қисқача тарихий шарҳи берилган. Устюрт худудларини геологик аниқлаш XIX асрнинг охирларида бошланган. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб худуднинг нефтгазлилик салоҳияти, стратиграфияси, тектоникаси ҳамда гидрогеологияси мақсадли ўрганила бошланган. 60-йиллардан бошлаб, геофизик тадқиқотлар: КМПВ, МОВ ва бошқа сейсмоқидирув ишлари олиб борилмоқда, чуқур бурғулаш бошланди. Регионал сейсмоқидирув ишлари билан мувофиқликда стратиграфик мажмуаларни ажратиш ва уларни сейсмик қайтарувчи горизонтлар билан боғлаш ҳамда ушбу стратиграфик мажмуаларни ётиш чуқурликларини аниқлигини ошириш учун таянч бурғулаш ишлари ўтказилди.

Устюртнинг республикамиз худудидаги қисмида ҳозирги кунга қадар жами бўлиб, 400 та атрофида бурғ қудуқлар қавланган.

Ушбу минтақага турли йилларда А.Е. Абетов, А.А. Абидов, Х.Х. Авазходжаев, Л.М. Акименко, А.М. Акрамходжаев, В.П. Алексеев, К.А. Алимов, Н.И. Андрусов, М.Х. Арифджанов, Т.Л. Бабаджанов, А.Г. Бабаев, О.М. Борисов, А.А. Валиев, О.С. Вялов, Р.Г. Гарецкий, И.Г. Гринберг, А. Гульмухамедов, Г.Х. Дикенштейн, Ш. Дусмухамедов, З.С. Ибрагимов, А.А. Каипов, А.К. Каримов, А.В. Киршин, Ю.М. Кузичкина, Б.М. Кульназаров, К.К. Курбаниязов, Л.И. Лабутина, Н.П. Луппов, А.К. Мальцева, А.Х. Нугманов, С.А. Пак,

А. Палыбеков, Л.П. Полканова, С. Рамазанов, Т.Т. Радюшкина, А.М. Силич, А.И. Смолко, С.Т. Талипов, Б.Б. Таль-Вирский, Ю.А. Федотов, Д.Р. Хегай, М.Э. Эгамбердиев, Ж.Ю. Юлдашев, М.Г. Юлдашева ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий ишлари бағишланган.

Иккинчи боб **«Юра ётқизикларини литологик ва биостратиграфик хусусиятлари»** Шимолий Устюрт юра ётқизиклари кесмасининг литологик-биостратиграфик характеристикаси шарҳига бағишланган

Ўрганилаётган ҳудудда юра ётқизиклари, асосан континентал, баъзан денгиз шароитида ҳосил бўлган терриген жинслар комплексида ташкил топган.

Бурғ қудуқлари кесмаларини таққослаш натижаларига кўра, шунингдек Тлеукудук-1, Жиес-1, Шарқий Айтуз-1, Тедженказган-1, Картпай-1, Аторбай-1, Кульбай-1, Шим. Жангызсу-1, Шеге-3, Ғарбий Орол-1, 2 каби кўплаб қудуқлардан олинган литология ва стратиграфия бўйича янги маълумотларни умумлаштириш ва б.лар бўйича юра ётқизикларини литологик структураси аниқлаштирилди, ушбу ётқизикларнинг литогенетик турлари ажратилди, генетик белгилари ўрнатилди, литотиплари бўйича коллекциялар сараланди, фотоҳужжатлаштирилди.

Корреляциялар схемаси ва литологик-стратиграфик таҳлил юра кесимини тузилиши хилма-хил эканлиги кўрсатди, кесмининг қисқарган ва тўлиқ турлари ажратилди. Юра ётқизиклар кесмасининг тўлиқ тури Борса-келмас ва Судочье букилмаларида, Байчагир-Яркимбой кўтарилмаларида, Тахтакаир валида, қисқарган кесма тури эса Жанубий Оролбўйи ва Марказий Устюрт бурмалар тизими учун хос хусусият ҳисобланади. Фақат Қуониш-Қосқала валида иккала турдаги кесмалар: шимолда-тўлиқ ҳамда жанубда қисқарган тури қайд этилади.

Юра системаси ўрганилаётган ҳудудда учта бўлимдан ташкил топган. Кўтарилган ҳудудларда қуйи юранинг пастки қисмлари ювилган. Ўрта юра кесмаси, чегаралари етарлича аниқ кўринадиган тўртала: аален, байос, бат ва келловей ярусларидан ташкил топган. Юқори юра қатлами оксфорд ҳамда ажралмаган кимериж-титон ярусидан иборат.

Регионал сейсмик репер ҳисобланадиган кимериж-титон карбонат пачкасида ташқари, юра системаси ётқизиклари катта қисмининг қалинлиги регионал миқёсда бир текис эмас.

Ўрганилаётган ҳудуднинг барча қисмларида юра ётқизиклари аниқ ажраладиган учта мажмуадан: терриген (қуйи-ўрта юра-бат ёшидаги континентал), карбонат-терриген (ўрта-юқори юра келловей-оксфорд ёши-даги континентал-аралаш-денгиз ётқизиклари) ҳамда сульфат-терриген-карбонат (юқори юра кимериж-титон яруси саёз сув-денгиз ётқизиклари) чўкинди ҳосилалардан ташкил топган.

Юра системасининг барча стратиграфик бўлинмалари палинологик мажмуалар билан, юқори юра денгиз комплекси – фаунистик қолдиқлар билан асосланган.

**«Юра ётқизикларининг моддий таркиби»** номли 3-бобда Шимолий

Устюрт юра ётқизикларининг петрографик, минералогик ва гранулометрик таркибини батафсил аниқлаш натижалари келтирилган.

Ётқизикларнинг структура-текстура хусусиятларини, моддий таркибини макро- ва микроскопик аниқлаш натижасида, гранулометрик таҳлил асосида юра ётқизиклари кесмаси, асосан, терриген жинслардан иборат эканлиги, улар таркибида конгломератлар, гравелитлар, қумтошлар, алевролитлар ва аргиллитлар, шунингдек аралаш турдагилар учраши тасдиқланди. Карбонат ётқизиклари фақат кимериж-титон ярусида кесмасида тарқалган бўлиб, Сам-Косбулак букилмасида улар сульфатлар-гипслар ва ангидритлар билан ассоциацияланади.

Жинсларнинг петрографик тавсифи турларига қараб: йирик ва ўрта бўлаклилигига асосида алоҳида-алоҳида келтирилган. Йирик донали жинслар юра ётқизикларида нисбатан кам тарқалган бўлиб, асосан конгломератлар ва гравелитлардан ташкил топган. Улар қуйи юра кесмасининг пастки қисмида, баъзан аален-байос ярусларида, асосан, Борсакелмас ботиғининг шимолий қисмида, ювилиш манбасига яқин жойларда учрайди. Терриген материалнинг ётқизилиш йўли бу ҳудудда жуда кичик бўлган, шунинг учун жинслар таркибида деярли юмалоқланмаган бўлақлар устунлик қилади.

Изланиш ҳудудида, конгломератлар, асосан, гравий-шағалли, олачипор, кулрангли, тўқ-кулрангли, полимикт, ёмон сараланган. Бўлақлари асосан кварцдан, кремний ва аргиллит жинсларидан таркиб топган. Шунингдек ўзгарган хлорит-серицитлашган нордон ва ўрта таркибли эффузив ҳамда субвулкан жинслари бўлақлари ҳам учрайди. Бўлақлар ўлчами - 2-2,5 см, баъзан – 6 см етади, шағаллар - 1 смдан катта эмас ва уларнинг думалоқланганлиги кўпинча ўртача бўлади. Энг кам думалоқланганлик йирик шағал бўлақларида учрайди. Бўлақлар орасидаги бўшлиқ майдаланган терриген материал билан тўлган. Цемент тури базал, камроқ ғовак-базал, баъзан контактли. Цементловчи массадаги бўлақлар тартибсиз ва нотекис жойлашган.

Гравелитлар кичик қатламлар кўринишида ўрта ва қуйи юра ётқизиклари кесмалари базал қисмида кузатилади ва улар полимикт, ҳар хил донали оч кулранг, кулранг, баъзан олачипор рангли, қумтошли, кичик зичликка, ўртача қаттиқликка эга, бўлақлари бурчакли-думалоқланган. Гравелит доналарнинг петрографик таркиби конгломератлар таркиби билан деярли бир хил. Цементи базал-ғовак-контактли. Гравелитлар доналари ўлчамларининг катта-кичиклигидан келиб чиқиб, йирик, ўрта ҳамда кичик донали бўлади.

Кичик бўлакли жинслар қумтошлар, алевролитлар ва гилли ҳосилалардан ташкил топади. Қумтошлар юра даври терриген ётқизиклари ичида энг кенг тарқалган жинслардир. Улар майда-ўрта донали, қуйи қисмида бирмунча йирик донали фракциялари ҳамда шағал бўлақлари мавжуд бўлади, зичлашган, қаттиқ, яхлит, баъзан қатламсимон, оч, тўқ кулранг, баъзан қизғиш-яшил, асосан, қўпол сараланган.

Гранулометрик таркибига кўра қумтошлар орасида гравелитли, алевроитли, гилли-алевроитли, алевроит-гилли турлари кенг тарқалган. Микроскопик тавсифлаш натижасида: кварц (23-44 %), дала шпатлари (ортоклаз, микроклин, плагиоклаз) (20-35 %), гилли (18-30 %), кремнийли (18-25 %), кремний-

гилли жинслар (10-22 %), баъзан карбонатлар (5-12 %), кулсимон туфлар ( $\geq 1\%$ ), гилли ва кўмирли сланецлар (1-2 %) каби асосий жинс ҳосил қилувчи минераллар аниқланди. Кўшимча сифатида гидрослюдадар, мусковит, биотит, хлорит, циркон ( $\geq 1\%$ ), онда-сонда аутиген янги ҳосилалар учрайди. Барча ўрганилган кумтошлар моддий таркиби бўйича полимикт, баъзида олигомикт бўлиб, мономикт турдагилар деярли учрамайди. Минерал таркиби бўйича икки: дала шпат-кварцли (кенг тарқалган) ва кремний-дала шпат-кварцли турларга ажратилади. Кумтошлар цементи мураккаб: гилли, гилли-слюдали, кремний-гилли, карбонатли, карбонат-гилли таркибга эга. Кўпинча юра даврининг куйи-ўрта бўлимлари ётқизиқларида гилли, гилли-слюдали цемент тарқалган, шунингдек цементловчи материал бўлиб жуда майда терриген материаллар ҳам хизмат қилади. Карбонат ва карбонат-гилли цемент (кальцит, баъзида доломит) юқори юра кесмалари ётқизиқларида кузатилади. Цемент ғовак- контактли, баъзан контактли ҳамда ўсиш турида учрайди

Алевролитлар юра ётқизиқлари кесмасида жуда кенг тарқалган, уларга аргиллатлар билан кўпроқ, ингичка ва кумтошлар билан камроқ кетма-кет қатламланиш характерлидир. Алевролитлар майда-ўрта донали, гилли ва майда кумли фракцияларнинг йирик-йирик қўшимчаларига эга. Жинсларнинг ранги тўқ кулранг, кулранг, баъзан қора, юқори юра кесмаларида қизғиш, яшилсимон. Алевролитларнинг минерал таркиби кумтошларникига ўхшаш, аммо слюдали минералларнинг ҳажми ошади (15-20 %). Жинс ҳосил қилувчи минерал таркибига қараб слюдали-дала шпат-кварцли ва слюда-кварцли-кремний алевролитлар фарқланади.

Аргиллитлар ҳам юра ётқизиқларида кенг тарқалган ҳамда тўқ кулранг, қора, қорамтир яшил, яшил-кулранг, баъзида қизғиш-яшил тусда учрайди. Терриген қўшимчалар туриган қараб алевритли, кумли-алевритли, алевритли-кумли; бўлакли қўшимчалари ва янги ҳосилалар таркибига қараб кварцли ва дала шпатли, слюдали, карбонатли, кўмирли, пиритли, темирлашган; гилли минералларнинг тангачаларининг жойлашишига қараб: йўналтирилган ва йўналтирилмаган микротекстуралли алевролитлар ажратилади. Кўплаб кўмирлашган флора қолдиқлари, баъзида вертикал чўзиқсимон томирлар кўринишидаги илдиз тизимлари, аксар ҳолларда майда ўсимлик детритлари, шунингдек қора ялтироқ кўмир линзалари, сирпаниш юзалари қайт этилади. Баъзан аргиллитлар оҳаклашган, кремний-гидрослюда агрегатларда кристалланган ҳолатда учрайди.

Жинсларнинг минералогик таркиби хилми-хил (36 гача минераллар мавжуд) бўлиб, аллотиген ва аутиген турлари ажратилади. Аллотиген минераллар: кварц, дала шпатлари (ортоклаз, микролин, плагиоклазлар), слюдалар (биотит, мусковит, хлорит, серицит), жинс бўлаклари (гилли, кремний-гилли, кварцитли, эффузив бўлакли, слюдали, кўмирли сланецли). Аутиген минераллар: опал, халцедон, глауконит, барит, целестин, кальцит, доломит, сидерит, ангидрит, гипс, пирит, марказит, лимонит, лейкоксен ва бошқалар. Кенг, аммо кичик миқдорда тарқалган, коррелятив белгиларга эга акцессор

минераллардан магнетит, гематит, лимонит, рутил, сфен, гранатлар, циркон, апатит, турмалин учрайди.

Гранулометрик характеристика. Юра даври алеврит-кумтошли ётқизиқларининг гранулометрик таркиби ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун 8 та бурғ кудуқларининг 385 та керн намуналарида олиб борилган таҳлиллар маълумотлари ўрганилди. Чўкинди тўпланиш муҳитини қайта тиклаш учун доналарнинг ўлчамлари бўйича тақсимланиш кўрсаткичлари: кумулятив эгри чизиқлар ҳамда гистограммалардан фойдаланилди. Кумулятив эгри чизиқлар бўйича асосий гранулометрик характеристика - сараланиш коэффициентини ( $S_0$ ) олинди ва ҳисобланди. Кейин эса Сам-Косбулок букилмасининг шарқий қисми ва Борсакелмас букилмасининг марказий қисми, ҳамда Куаниш-Коскала ва Тахтакаир кўтарилмалари қуйи юра, аален, байос, бат, келловей-оксфорд яруслари ётқизиқлари учун Пассега ва Рухин генетик диаграммалари тузилди.

Гранулометрик таҳлил маълумотларини генетик талқини ўрганилаётган: қуйи юра ётқизиқларини қайир (Борсакелмас букилмаси), дарё (Сам-Косбулок букилмаси, Тахтакаир кўтарилмаси); ўрта юранинг: аалени - қайир (Борсакелмас букилмаси, Тахтакаир кўтарилмаси), дарё (Сам-Косбулок букилмаси); байоси - дарё (Сам-Косбулок букилмаси, Тахтакаир кўтарилмаси), қайир (Борсакелмас букилмаси); бат - саёз сув-денгиз (Борсакелмас букилмаси), турбидит (Сам-Косбулок букилмаси, Тахтакаир кўтарилмаси); ўрта-юқори юранинг келловей-оксфорди - саёз сув-денгиз (Сам-Косбулок, Борсакелмас букилмалари), денгиз қирғоқбўйи, пляж (Тахтакаир кўтарилмаси) ётқизиқларидан ташкил топганини кўрсатди.

Тўртинчи **«Шимолий Устюрт юра даври чўкинди ҳавзасида ётқизиқлар шаклланишини фашиал ва палеогеографик шароитлари таҳлили»** бобида Шимолий Устюрт юра ётқизиқлари ҳосил бўлиш шароитларини қайта тиклаш натижалари, янги керн маълумотларидан фойдаланиш орқали, уларни фашиалар бўйича литогенетик турлари гуруҳларга ажратилган. Муаллиф томонидан юра системаси яруслари бўйича фашиал-палеогеографик хариталар серияси қурилган.

Ушбу ишда В.И. Попов (1963-1991) томонидан ишлаб чиқилган, М.Э. Эгамбердиев томонидан нефтгаз геологиясида қўллаш учун такомиллаштирилган терриген ётқизиқларни аниқлашнинг анъанавий литологик-петрографик ҳамда фашиал-палеогеографик усулларида фойдаланилган. Шимолий Устюрт юра ётқизиқлари фашиал минтақалари чегараларини ажратишда кўплаб тадқиқотчилар (А.М. Акрамходжаев, Х.Х. Авазходжаев, Л.И. Лабутина ва бошқалар (1967, 1976, 1979) нинг илмий ишлари ўрганилган.

Юра даври иқлими асосан гумид иқлим бўлиб, оксфорд асридан бошлаб секин-аста арид иқлимга ўтиш қайд этилади. Шимолий Устюрт ҳудудида уч босқичли: сувайрғич-эллювиал ва текислик-водий фашиал минтақаларига бўлинадиган континентал, текислик-водий ва сувости делта фашиал минтақали ўтиш; сувости делта ва уринма тўлқинли фашиал минтақали денгиз чўкинди ҳосил бўлиши босқичлари ажратилади. Ушбу минтақалар ўз навбатида бир қатор фашиал зоналарга бўлинади.

Континентал шароитлар юранинг эрта юра давридан бат асригача давом этган. Континентал шароитларда ҳосил бўлган ётқизиқлар учун кўмирлашган ўсимлик детритларининг сероблиги характерли ҳисобланади. Бат асрининг охирида, келловей асри бошларида чўкинди ҳосил бўлиш шароитлари ўзгаради ва Устюрт ҳудуди саёз денгиз ҳавзасига айланади.

Ўрганилаётган ҳудудда юра даврида чўкинди материаллар ташиб келтириладиган асосий манба Қизилқум палеокўтарилмаси, шунингдек қуйи юрада, аален, байос асрларида – Октумшук бурмалар системаси, Кокбахти, Шоржа-Айбугир каби палеокўтарилмалар ҳисобланади; бат, келловей, оксфорд ва кимериж-титон асрларида денудация манбаси сифатида фақат Қизилқум палеокўтарилмаси мавжуд бўлган. Кўтарилмалари ҳажми асрлардан асрларга кичрайиб борган.

Қуйи-ўрта юра вақтларида Палеоамударё, Палеокульбай, Палеокурлук, Палеокуаниш, Палеоайжанкос ва Палеокоскала каби асосий дарё ўзанлари ажратилган. Палеоамударё водийсининг кенглиги турли даврларда 50-200 км ни ташкил этган, чўкинди материаллари жанубдан шимолга ташилган.

Бешинчи **«Шимолий Устюрт юра ётқизиқларининг нефтгазлилик истиқболлари ҳамда геологик қидирув ишларининг келгусидаги йўналишлари бўйича тавсиялар»** бобида углеводород хом ашёси захираларини кўпайтиришга хизмат қилувчи, нефтгаз уюмлари излаш самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи Шимолий Устюрт қуйи-ўрта юра ётқизиқларида ноантиклинал турдаги углеводород тутқичларини аниқлаш истиқболлари илмий асосланган.

Ўзбекистоннинг Шимолий Устюрт ҳавзасида 21 та кон, шу жумладан, 1 та нефтегазоконденсат (Ғарбий Орол), 20 та газоконденсат очилган. Конларнинг катта қисми - кичик, биттаси (Сургил) – йирик, яна биттаси (Акчалак) ўрта синфга киради.

Шимолий Устюрт нефтегаз ҳавзаси (майдони-185,1 минг.км<sup>2</sup>) шимолдан Каспийбўйи синеклизаси, шимоли-шарқдан Муғожарбўйи ва Челкар букилмалари, шарқдан Орол - Қизилқум вали, жанубдан Мангишлоқ - Марказий Устюрт кўтарилмалар тизими, ғарбдан Аграхон-Атроу ер ёриғи билан чега-радош бўлган Устюрт синеклизаси ҳудудида жойлашган. Шимолий Устюрт ҳавзасининг республикамиздаги ҳудудида пойдевор жинслар 5-11 км чуқурликда ётади. Устюрт синеклизасинининг Ғарбий Ўзбекистонда жойлашган қисми 63,7 минг. км<sup>2</sup> майдонни эгаллайди, шимолда Октумшук бурмалар тизими, жанубда Куаниш-Коскала кўтарилмаси билан ажралган Борсакельмас ҳамда Судочий букилмаларини ўз ичига олади. Айнан мана шу сўнгги икки букилмада деярли барча конлар жойлашган.

А.Х. Нугманов ва бошқалар (2010 й.) маълумотларига кўра, Шимолий Устюрт ҳавзасининг юра ётқизиқлари бўйича баҳоланган нефтгаз башорат ресурслари 1437,1 млн. т.ш.ё., шу жумладан эркин газ - 1361,3 млрд. м<sup>3</sup>, нефт– 18,0 млн. т., конденсат – 57,8 млн. т. ни ташкил этган.

Энг юқори нефт ярата олувчи жинслар ўрта юра, асосан бат ва байос жинслари (С.Р. Рамазанов, 2010) ҳисобланади, улар линзасимон, кўмир кат-

ламчалари, битумлашган сланецлар, кўмир қатламларидаги тарқоқ ( $C_{\text{орг}}=0,62-2,5 \%$ ), кучсиз ( $C_{\text{орг}}=2,51-10 \%$ ), шунингдек мўътадил концентрациялашган ( $C_{\text{орг}}=10,01-40 \%$ ) органик моддаларни ўз ичига олади, шунингдек конденсат ва газсимон углеводородларни топишнинг нисбатан юқори истиқболдан дарак берувчи қаттиқ битумлар ва битумлар намоён бўлишида ўз аксини топган. Юқори юра ётқизиклари асосан кучсиз ҳамда ўртача (Картпай, Фарбий Борсакелмас) УВ ярата олиш қобилиятига эга бўлиб, баъзи жойларда (Шарқий Бердах-4, инт. 1942-1946 м,  $C_{\text{орг}} -2,0-7,94 \%$ ) кларк миқдоридан 4-15 мартагача ортган.

Катагенетик қайта ўзгаришлар даражасига қараб, қуйи юра жинслари мезокатагенезнинг сўнгги босқичига, ўрта юра ётқизиклари – ўрта босқичига, камдан кам - сўнгги босқичига, юқори юра – мезокатагенезнинг бошланғич ва ўрта босқичига қайта ўзгарган бўлиб, бу чуқурликдаги ҳарорат билан тасдиқланган. Косбулоқ букилмасида (Альмамбет) ўрта юра остки чегарасида 4200 м чуқурликда замонавий ҳарорат  $190-200 \text{ }^{\circ}\text{C}$  (М.Г. Юлдашева, 2011) ни ташкил этади. Фарбий Орол конида юра ётқизиклари-нинг устки чегарасидаги ҳарорат  $78,8^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этиб, ўрта юранинг остки чегарасига  $102,6 \text{ }^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилади. Қатлам босими 21,1-30,6 МПа (Ж. Уразалыев, 2013) ораликда ўзгариб туради.

А.М. Акрамходжаев ва бошқалар бўйича нефтгаз ярата олиш имконияти юзага чиқиш асосий босқичи ётқизиклар 2 кмдан 3 кмгача чўккан, юқори ҳароратли ( $80-180 \text{ }^{\circ}\text{C}$ ), чуқурликда намоён бўлиб, 3 км чуқурликда максимумга етади. Ушбу маълумотлардан қуйи юра жинсларидаги тарқоқ органик моддалар газ ҳосил бўлишининг асосий зонасига юқори бўр-палеоген ётқизиклари тўпланиш даврида, асосан, ўтиб бўлишган, аммо ён қисмларда УВ генерацияси зонасида қолмоқда, дейилган хулосага келиш мумкин.

Шимолий Устюрт конларида аниқланган газ ҳамда конденсат уюмларининг стратиграфик тегишлилиги бутун юра қатламининг маҳсулдорлигидан далолат беради. Турли муаллифлар томонидан юра кесмасида ҳаммаси бўлиб, маҳсулдорлиги исботланган 6 та горизонт аниқланган: куаниш ( $J_1$ ), кокчалак ( $J_{2a-b}$ ), акчалак ( $J_{2bt}$ ), аламбек ( $J_{2k}$ ), урга ( $J_{3o}$ ), шахпахти ( $J_{2km-tt}$ ). Ушбу маҳсулдор горизонтларни ташкил қилувчи жинсларнинг литологик таркиби, асосан, турли донали, кварц-дала шпатли, слюда қўшимчали, яхлит ва қийшиқ қатламли, кўмир қатламчалари мавжуд бўлган қумтошлардан таркиб топган. Баъзи горизонтларнинг остки қисмида кварц эффузив, аргиллит бўлакли гравелит ҳамда конгломератлар учрайди. Ётқизиклар ўзан шароитида ҳосил бўлган.

